O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 6 август, № 154 (5069) Жума

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

# ТАРАҚҚИЁТ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

**Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янгилаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирлари амалда ўз самараларини бермоқда.**



***Ҳадемай, Истиқлолимизнинг қутлуғ 19 йиллигини катта байрам сифатида нишонлаймиз. Биз учун ушбу сананинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда улкан. Чунки мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим асослари яратилмоқда, одамларимиз ўз эзгу ниятлари рўёбини кўрмоқдалар.***

### Модернизация

Албатта, бундай муваффақиятларга эришиш ўз-ўзидан бўлмаяпти. Хусусан, янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш туфайли импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қолаверса, маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирларнинг фаол амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида экспортбоп товарлар тури 400 дан ошгани, айниқса, қувонарлидир. Бу республикамиз иқтисодиёти пойдевори тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: иш юритувчи Алишер Бобохонов, ишчилар Фазилат Маҳкамова ва Дилором Ражаббоева.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Маҳсулот тури ортди

**САМАРҚАНДдаги "Элхолдинг" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва корхонани модернизациялаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.**

Яқинда бирлашмадаги цехлар 613,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада 65 та иш ўрни яратилиб, енгил автомобиллар тиркамалари ҳамда мева қуритиш дастгоҳларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хонадонларга зилол сув

**АНДИЖОН. Вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, Балиқчи туманининг чекка ҳудудида жойлашган Охунбобоев қишлоғидаги 500 хонадони аъзолари тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Ҳозирги кунда вилоятнинг Балиқчи ва Чинобод шаҳарчалари аҳолисини ҳам тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 12 километрлик сув қувурлари ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳовли тўйлари яқин

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикасида кўплаб замонавий уйлар қад ростламоқда.**

Тўрткўл туманидаги "Баҳор" мавзесида ҳам намунавий лойиҳалар асосида 60 та ана шундай тураржой бунёд этилаяпти. Бу ерда "Янги замон бунёдкори" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига уйларни туҳфа этиш ниятидаги қурувчилар мавзедаги 20 та уйнинг томини ёпиб, 10 тасини пардозлашаётир.

Бу каби кўркам уй-жойлар Амударё туманидаги "Ўрта қалъа" овул фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам қурилмоқда. Айни пайтда қурилиш ишлари давом этаётган мазкур объектга электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви келтирилиш тараддудида.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

***Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида дунёнинг кўплаб мамлакатлари жиддий ижтимоий муаммоларга, шу жумладан, ишсизлик муаммосига дуч келди. Глобал иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.***

Президентимизнинг узоқни кўзлаган изчил сиёсати шарофати туфайли мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига устувор даражада аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарида "Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда", деб таъкидлайди. Ушбу муаммони ҳал қилишда касаначилик меҳнатини ташкил этишнинг алоҳида роли ва аҳамияти ҳақида гапириб, давлатимиз раҳбари қуйидагиларни қайд этади: "Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда".

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши билан биргаликда ташкил этилиб, шу йил 3 августда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўтказилган "Аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли" мавзуидаги семинар иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

## Август ойи – пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой





***Тажрибадан маълумки, пахтачиликда август ойининг ўрни, ушбу даврда бажариладиган юмушларнинг аҳамияти беқиёс. Айтмоқчимизки, агар ҳосилнинг чўғи юқори, сифатли ва эртаги бўлишини истаган қишлоқ меҳнаткашлари, фермерлар айни шу кунларда ғўзани агротехника талабларига изчил амал қилган ҳолда парваришласалар, унинг ривожи тезлашиб, кўсакка кўсак қўшилади. Бўлиқ кўсаклар эса ой охирида очилиб, лўппи-лўппи пахтага айланади.***

***Шундай экан, ушбу масъулиятли даврда ҳосил салмоғини белгилаб берадиган ғўзани суғориш, культивациялаш ва чеканка қилиш, ҳосилни зараркунандалардан муҳофазалаш каби тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли адо этилишига янада жиддий эътибор қаратилиши зарур. Шу асосда иш юритаётган деҳқонлар тажрибаси шундан далолат бермоқда.***

*Бу ҳақда газетамизнинг 2-саҳифасидаги мақолаларда ўқийсиз.*

# ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛГА МАРҲАМАТ!

Мамлакатимизда 5 август куни "UZ — 2010" миллий домени интернет-фестивали бошланди. Ушбу тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳамда "Mirada Software" компанияси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фестивалнинг расмий кўмакчилари ҳисобланади.

Фестиваль очилиши муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимизда интернет-фестиваллар 2001 йилдан буён ўтказиб келинаётгани таъкидланди. 2007 йилдан мамлакат домени ресурсларини ривожлантириш мақсадида UZ миллий домени интернет-фестиваллари ўтказилмоқда. Айни пайтгача интернет-фестиваллар икки йилда бир маротаба ташкил этилаётган эди.

Ўзбекистонда бугунги кунда қарийб 3 миллион киши Интернетдан фойдаланмоқда. Иккинчи даражали UZ миллий домени 1995 йил 29 апрелда ташкил этилган. 2010 йилнинг 5 август ҳолатига кўра, фақат иккинчи даражали UZ миллий домени ҳудудидаги фаол доменлар сони 10500 дан ортади. Шу билан бирга, UZ доменига тааллуқли учинчи даражали яна бир неча минг доменлар ҳам мавжуд.

2010 йил бошидан буён UZ домени ҳудудида мингдан ортиқ иккинчи даражали доменлар рўйхатга олинган. Айнан шу сабабли 2010 йилдан бошлаб интернет-фестивалларни ҳар йили ўтказишга қарор қилинди. Фестивални ўтказишнинг асосий ташаббускорлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда "UZINFOCOM" маркази "UZ" домени ҳудудининг маъмурлари ҳисобланади.

Бу йилги фестиваль 5 августдан 20 сентябргача давом этади. Унинг якунлари "Infocom — 2010" ахборот технологиялари ҳафталигининг биринчи кунида сарҳисоб қилиш режалаштирилган. Аҳолининг кенг қатламлари орасида Интернет тармоғини оммалаштириш, ижод, касбий фаолият, дам олиш, ишончли ва тезкор ахборот манбалари сифатида ривожлантириш, Интернет тармоғида ўзбек тилини қўллаш соҳасини кенгайтириш, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодни халқимиз тарихи, маданияти ва миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам миллий контентни ривожлантиришга кўмаклашиш фестивалнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Танловда фестиваль давомида фаолият кўрсатадиган ва UZ доменида рўйхатга олинган сайтлар иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этувчилар ҳайъат аъзолари, сайт эгалари ва барча хоҳловчилар томонидан фестивалнинг www.if.uz расмий сайтида тақдим этилган рўйхатга олиш шакли бўйича кўрсатилиши мумкин. Иштирок этиш учун аризалар 2010 йилнинг 5 августидан 5 сентябригача қабул қилинади.

Сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Фестивалнинг танлов дастури 14 та мавзуга оид ва 2 та махсус номинацияни ўз ичига олади.

Бу йилги танлов дастурига 14 мавзуга оид номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофотлари киритилган. Ушбу махсус номинацияда маълум вақт ичида ҳар номинация иштирокчилари орасида энг кўп балл тўплаган 14 та сайт ғолиб бўлади.

(Давоми 3-бетда).

Бир рақам шарҳи



# ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА — ҚУЛАЙ МУҲИТ

**Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикамизда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми қарийб**

## 1,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси изчил таъминланганини, айниқса, чет эллик инвесторлар фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратиб берилгани, қулай сармоявий муҳит вужудга келтирилгани шундай муваффақиятларга эришишда муҳим омил бўлди.

# Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

***Пахтакор учун августнинг қадри бўлакча. Сабаби, эрта баҳордан буён тўккан манглай тери эвазига етиштирган ҳосилининг тақдири ҳал бўлади бу ойда.***

## Баракали хирмонга мустаҳкам замин

Шу боис тажрибали деҳқонлар мазкур даврда ғўзага зеб бериш, унинг ҳосилига ҳосил қўшиш масаласига алоҳида эътибор қаратадилар.

Гапнинг сирасини айтганда, ҳозир экинимиз ривожи кўнгилдагидек. Агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказганимиз самараси кўсакдан маржон таққан ғўзаларда шундоққина кўзга ташланиб қолди. Буёғига иш маромини сусайтирмасдан, ҳосил тугунчаларининг нобуд бўлишига йўл қўймай, тўла ушлаб қолсак, марра — бизники.

Шундан келиб чиқиб, август ойи учун тиғиз вазифаларни белгилаган ҳолда, 26,5 гектар майдонда ғўзанинг маҳаллий шароитга мос "Андижон-35" навини парваришлаяпмиз. Унинг афзаллиги шундаки, сувни унчалик кўп талаб қилмайди. Фақат суғориш тартиби бузилмаса, бас. Мана шу жиҳатини назарда тутиб, пайкалларни танлаб суғораяпмиз. Буни бизда "терма сув", дейишади. Зарур пайтда шошиб қолмаслик учун сувчилар сонини 5 нафарга оширдик. Бир гектарга яқин пахтамиз ривождан бир оз орқада қолаётганди, қўшимча равишда обиҳаёт тараб, "шарбат" оқизганимиздан сўнг унинг ҳолати анча яхшиланди. Куни кеча бош миробимиз Анваржон Маҳмудов "Кўсакларнинг олди тўлишиб қолди, энди буёғига пахта суви берамиз", дегач, маслаҳатлашиб, августда яна икки марта суғоришга келишдик.

Механизаторимиз Ҳасанбой Бойқўзиев эса культиватор ишчи органларини "балиқ сирти" қилиб ўраган ҳолда, ҳосилнинг бирор донасига шикаст етказмай, қатор ораларини пешма-пеш юмшатаяпти. "Пахта тўла очилмагунча техникани даладан чиқармайман, чунки культиватор ораласа, ғўзанинг бағрига шамол тегади, экин ости юмшаб, ортиқча нам қочади, озуқа олиши тезлашади", дейди у. Бошқа ишчиларимизнинг фикри ҳам шундай. Улар, асосан, экинни кунда, кунора "варақлаб", ён шохларини чилпиш, зараркунанда ҳашаротлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида пайкалларга "Олтинкўз", "Трихограмма", "Бракон" қўйиш сингари тадбирлар билан банд.

Бизнинг мақсадимиз — августнинг қолган кунларида парваришни сира бўшаштирмай, кўсакларга яна 3-4 тадан кўсак қўшиш. Шунда ҳар гектар ҳисобига 32 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган шартномавий мажбуриятимизни ёруғ юз билан уддалашга ишончли замин яратган бўламиз.

**Салоҳиддин АБДУЛЛАЕВ,**
**Наманган туманидаги «Абдулла ота» фермер хўжалиги раҳбари.**

## Асл деҳқон энди синалади

***Вилоятимиз фермерлари бу йил мамлакатимиз ялпи пахта хирмонига муносиб улуш қўшиш ниятида 100,2 минг гектар ерда ғўза парваришлашмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ушбу эзгу мақсадга эришиш айни кунларда агротехника тадбирларининг ўз вақтида, сифатли ўтказилишига боғлиқ.***

Зеро, "Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой" бўлиб, бу давр пахтакорлардан алоҳида эътибор ва масъулиятни талаб этади.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда ғўза ривожи ўтган йилдагига нисбатан 10-15 кун эртаги. Бу агротехника тадбирлари бекаму кўст амалга оширилаётгани самарасидир. Айни чоғда биз нафақат тўпланган ҳосилни сақлаб қолиш, балки уни янада кўпайтириш мақсадида астойдил меҳнат қилаяпмиз.

Маълумки, бунинг биринчи шарти асадда ғўзани суғоришни оқилона ташкил этишдир. Бунда ғўзани чанқатиб суғориш ҳам, аксинча, кўллатиб юбориш ҳам наф бермайди, албатта. Бу борада энг фойдали йўл — "шарбат" усулида ўз вақтида сув тараш эканини ҳисобга олиб, далаларга етарли миқдорда маҳаллий ўғит чиқарганмиз. "Шарбат" сувига қонган ғўзаларда эса бўлиқ кўсаклар сони тобора ортмоқда.

Яна бир муҳим агротехника тадбири — чеканкалашни август ойигача тўлиқ якунлаган эдик. Шу кунларда экин ҳолатидан келиб чиқиб, ён шохларни чилпиб чиқаяпмиз. Гап шундаки, бу йил ғўза ривожининг бир оз эрта эканлиги чеканкани одатдагидек 15-16 ҳосил шохида эмас, балки 10-11 ҳосил шохида қилишни талаб этмоқда. Бундай чилпишнинг аҳамияти шундаки, экин ораларида шамол айланиши яхшиланади, пировардида ғўза турли зараркунанда ва касалликлардан муносиб ҳимояланади.

Пишиб етилаётган ҳосилни ғўза зараркунандаларидан ҳимоя қилиш эса деҳқон муваффақиятининг яна бир муҳим омилидир. Шу боис мавжуд биолабораториялар ходимлари, соҳа мутахассислари билан яқин ҳамкорлик қилиб, ҳосил кушандалари бўлган кўсак қурти, ўргимчакканага қарши биологик усулда курашаяпмиз.

Кўриниб турибдики, ҳосил ўз-ўзидан тўпланмайди. У деҳқоннинг қалб қўри, кўз нури ва фидокорона меҳнати эвазига яралади. Шундай экан, бугунги ғанимат кунларни қўлдан бой бермай, кунни тунга улаб ишлашимиз шарт. Ана шунда кўзлаган муддаомизга етамиз.

**Шуҳрат АҲМЕДОВ,**
**Ўрта Чирчиқ туманидаги «Мадониз» фермер хўжалиги раҳбари.**
Тошкент вилояти

## Меҳрдан яралаётган дурдона

***Пахтадан мўл ҳосил олишга аҳд қилган фермер борки, бугун даласида бедор. У кунни тунга улаб, ғўза қатор ораларини юмшатиш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, зараркунандаларга қарши курашиш каби юмушлар билан банд.***

Чунки ҳосилга ҳосил қўшиладиган август ойида озгина бепарволикка йўл қўйилса, шунча меҳнат зое кетади. Шунинг учун биз, сирдарёлик пахтакорлар айни пайтда асосий эътиборни ғўза парваришига қаратиб, ой давомида кўсакка кўсак қўшиш ниятида чин дилдан меҳнат қилаяпмиз.

Холисона айтганда, ҳозирги кунда вилоятимизда ғўзанинг ҳолати аввалги йиллардагига нисбатан баравж. Бу, биринчи навбатда, об-ҳавонинг қулай келганлигига боғлиқ бўлса, иккинчидан, давлатимизнинг қишлоқ хўжалигининг мазкур тармоғи ривожига қаратаётган алоҳида эътибори маҳсулидир.

Абдураззоқ Нажмиддинов бошлиқ бизнинг жамоамиз ҳам бор меҳрини 39 гектар майдондаги ғўзага бериб, ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида, сифатли ўтказмоқда. Айниқса, экинни сувга қондиришга эътибор бошқача. Негаки, ҳосил тақдири ҳал бўладиган август ойида суғориш кечиктириб юборилса, экин гул ташлайди.

Шуни ҳисобга олиб, биз суғоришда энг самарали усул — "шарбат" усулини қўллаяпмиз. Бунда аввалдан керакли миқдорда маҳаллий ўғит жамғариб қўйганимизнинг нафи катта бўлмоқда. Ўтган даврда қатор ораларига икки марта "шарбат" оқизгандик, бунинг самараси дарров кўзга ташланди. Ҳар туп ғўзада 10-12 тадан тўқ кўсак ҳосил бўлди. Меҳрдан яралаётган дурдонага эса яна 3-4 та кўсак қўшилмоқда.

Бизнинг фермер хўжалигимиз ўтган йили пахтачиликнинг ўзидан 12 миллион сўм соф фойда кўрган эди. Бу йил эса ундан-да кўпроқ даромад олиш ниятида фидокорона ишлаяпмиз. Зотан, "Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой" эканлиги шунга даъват қилмоқда.

**Илҳом ДАДАБОЕВ,**
**Мирзаобод туманидаги «Асил» фермер хўжалиги ишчиси.**
Сирдарё вилояти

***Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида азалдан суғориш маданияти алоҳида ўрин тутади. Фарғона водийсида топилган деҳқончиликка оид жуда кўп манбаларда экин ривожида, айниқса, асад, яъни август ойида берилган сувнинг афзалликлари, унинг ҳосил тўплашдаги аҳамияти ҳақида ибратли тажрибалар ёзиб қолдирилган.***

## Сув — зар, сувчи — заргар

Чиндан ҳам, пахтачиликда ғўзани обитобида, қондириб суғоришнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис вилоят мироблари зиммасига 390 минг гектардан зиёд майдонда деҳқончилик қилаётган истеъмолчиларга ўз вақтида сув етказиб беришдек муҳим вазифа юкланган. Сувни иқтисод қилиш, унинг ҳар қатрасидан унумли фойдаланиш мақсадида суғориш, асосан, тунда амалга оширилаяпти. Айниқса, Бувайда, Қува ва Бешариқ туманлари мироблари бу усулнинг ҳадисини олишган. Уларнинг айтишича, август ойида ғўза қатор ораларига тунда обиҳаёт таралса, сув буғланмайди, экин чўллатиб ҳам қўйилмайди. Шу тариқа ҳосил элементлари тўлиқ ушлаб қолинади. Агар тунги суғориш "шарбат" усулида амалга оширилса борми, фойдаси икки ҳисса юқори бўлади. Чунки обиҳаёт ғўзанинг қон-қонига сингади. Бу эса ғўза қатор ораларида намни сақлаб қолишнинг асосий омилидир.

Сувни иқтисод қилиш, обиҳаёт танқислигининг олдини олиш, яъни экин майдонларини чўллатиб қўймаслик мақсадида вилоят ҳавза тизими қошидаги мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан махсус дастур ишлаб чиқилгани ҳам ўз самарасини кўрсатаяпти. Жумладан, унга мувофиқ, сувнинг ҳар қатрасидан тежаб фойдаланиш учун жойларда тушунтириш ишлари, суҳбатлар олиб борилаяпти. Бу ишга кўпни кўрган оқсоқоллар ва мироблар сафарбар қилингани, айниқса, қўл келаётир.

Шу ўринда Жанубий Фарғона канали сув истеъмолчилари уюшмасининг бу борадаги тажрибасини алоҳида қайд этиш лозим. Гап шундаки, ушбу канал ҳавзаси, унга ёндош ариқлар ҳашар йўли билан тозаланди. Натижада сув йўллари ва ариқларда обиҳаёт равон оқиб, унинг исроф бўлишининг олди олинди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда вилоят миробларининг бутун диққат-эътибори мавжуд сув манбаларидаги обиҳаётнинг ҳар қатрасини аниқ мақсадларга йўналтириш, уни иқтисод қилишга қаратилгани эртанги ҳосилнинг баракали бўлишига хизматга қилаётир. Зотан, "Сув — зар, сувчи — заргар", деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

**Фозилжон РАСУЛОВ,**
**Фарғона вилоятидаги «Сирдарё — Сўх» ҳавза бирлашмалари бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**


Қ. ҚУННОЗОВ олган сурат.

***Ғўза парваришида, айниқса, август ойи муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу даврда сифатли бажарилган агротехника тадбирлари туфайли ҳосилга ҳосил қўшилиши кўп йиллик тажрибадан маълум. Шу боис мавжуд 41 гектар майдондаги ғўза парваришини ҳар жиҳатдан сифатли амалга ошириш чораларини кўраяпмиз. Бунда сувчилар Ислом Қодиров, Шавкат Мустаев, механизатор Шавкат Ҳасанов ва бошқа ишчи-хизматчилар алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.***

## Тажрибага таянган ютқазмайди

Маълумки, ғўзанинг ҳосил тўплаш даврида экинга жами талаб қилинадиган сув миқдорининг 65-70 фоизини бериш даркор. Ҳосилга ҳосил қўшадиган август ойида эса ҳар гектар пахта майдонида сарфланадиган сув миқдори 90-100 куб метрни ташкил этиши лозим. Бу ҳосил нишоналарини тўлиқ сақлаб қолишга хизмат қилади. Ўсимликни сал чанқатиб қўйиш уларнинг кескин камайишига олиб келади. Баъзи деҳқонлар айнан шу даврда сув танқислигини рўкач қилиб, аслида, эътиборсизлик, масъулиятсизлик оқибатида парваришни сусайтириб қўйишади.

Биз сув танқислиги эҳтимолини эътиборга олиб, тупроқ қуриб қолмаслиги учун эгатларни бевосита суғориш арафасида олаяпмиз. Эгатлар узунлигини 75-85 метрга қисқартириш орқали майдонларни бир текис суғориш ва сувни тежашга эришаяпмиз.

Август ойидаги энг муҳим агротехника тадбирларидан яна бири — ғўзани чилпишни сифатли якунлаш. Ҳозиргача экинни табақалаштирилган ҳолда 3 марта чилпидик. Зарур пайтда мавсумий ишчилар кучидан фойдаландик. Самарами? Ҳар туп ғўзада 10-12 тадан тўқ, бўлиқ кўсак пишиб етилаяпти.

Чиндан ҳам, чилпишни сифатли ўтказиш, бу тадбирга масъулият билан ёндашишда ҳикмат кўп. Айниқса, ғўза ён шохларини чилпишга алоҳида эътибор қаратилса, августнинг иккинчи ярмида ғўзанинг пастки қисмидаги кўсаклар чиришининг олди олинади.

Кўп йиллик маълумотларда қайд этилишича, бу тадбирнинг чала, сифатсиз ўтказилиши 5-7 центнергача ҳосилнинг йўқотилишига сабаб бўлади. Демак, зарур бўлса, чеканкалашда қўшимча иш кучидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳосилга ҳосил қўшилаётган айни дамларда экинзорларда кўсак қуртининг учинчи авлоди пайдо бўлиши хавфини ҳам унутганимиз йўқ. Хўжалигимиздаги биолабораторияда зарур миқдорда "Трихограмма", "Бракон" мавжудлиги кўсак қурти уруғи, капалаги пайдо бўлиши биланоқ, уларни бартараф этиш имконини бермоқда. Буларнинг барчаси мўл ва сифатли ҳосил тўплашга шароит яратмоқда.

**Султон МАМАТМУРОДОВ,**
**Жиззах туманидаги «Достон-2» фермер хўжалиги ҳосилоти.**

## Масъулиятли меҳнат завқи

***Ғўза парваришида энг масъулиятли бўлган шу кунларда унинг қадрига етиб, ғайрат-шижоат билан ишлаганларнинг бири икки бўлади, бепарво бўлганлар эса ютқазади.***

Нега деганда, пахта ҳосилининг тақдири механизатору сувчиларнинг айни чоғда фермер билан елкама-елка туриб қилган меҳнатига боғлиқ. Шу боис ғўза қатор ораларини культивациялаш, экинзорни обитобида суғориш, ҳосилни кушандалардан муҳофаза қилиш сингари муҳим тадбирларни сифатли бажариш пайидан бўлаяпмиз. Натижада 59 гектар ердаги ғўза кўнгилдагидек бўлиқ ҳосил тўплаяпти. Бу, айтиш мумкинки, суғоришда маҳаллий ўғитдан фойдаланиб, "шарбат" оқизганимиз самарасидир.

Август ойида яна бир ғайрат қилсак, ҳар туп ғўзада кўсаклар сони яна 3-4 тага кўпаяди. Бу билан ҳосил хирмонимизнинг баракали бўлишига замин яратиб, масъулиятли меҳнатимиз завқини кўришдек мақсадимизга эришамиз.

**Тоҳиржон РЕЖАПОВ,**
**Олтинкўл туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги раҳбари.**
Андижон вилояти

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинарда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш мақсадида аҳоли бандлиги масалаларига катта аҳамият берилиб, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури қабул қилинган эди. Дастурда жорий йил охиригача мамлакат бўйича 950 мингта иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Ушбу Дастурни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширишнинг боришини ўрганиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, меҳнат ва бандликка кўмаклашувчи идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа органлар томонидан кўрилган чоралар натижасида 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 мингдан ортиқ, шу жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан кўпроқ иш ўринлари ташкил этилганлигини кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида 43 мингта иш ўрни, шуларнинг 30 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги, тасдиқланган прогноз параметрлар 104,4 фоизга бажарилганлиги кўрсатиб ўтилди. Касаначилик йўналишида меҳнат шартномалари асосида беш мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилиб, бу аҳолининг ночор қатламлари, жумладан, хотин-қизлар учун ҳар томонлама қулай имконият туғдирмоқда. Янгийўл туманидаги "Биллур текс" МЧЖда 200 та, Зангиота туманидаги "Элнур Руслан Текстиль" МЧЖда 150 та иш ўрни барпо этилгани вилоятда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат яхши натижалар бераётганлигининг далилидир.

Ўз навбатида, семинарда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги мавжуд муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан семинар қатнашчилари ўз чиқишларида аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан меҳнат ва бандликка кўмаклашувчи идоралар, таълим, молия муассасалари, касаба уюшмалари ҳамда бошқа тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, жойларда янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат қилаётган фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларининг рўёбга чиқиш даражасини таҳлил қилишга, улар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларни таъминлаш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишга, айниқса, аҳолининг ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган муҳтож қатламлари вакиллари, касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган ёшлар учун иш ўринлари ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар ажратиш бўйича тижорат банкларининг фаолиятини янада кучайтиришга етарли эътибор берилмаётир.

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг аҳолини иш билан таъминлашдаги иштирокини янада фаоллаштириш зарурлиги ҳам таъкидланди. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича жойларда қабул қилинаётган дастурларнинг бажарилишини мониторинг ва назорат қилишни кучайтириш, бу борадаги масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ҳамда уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида мунтазам равишда муҳокама қилиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгилаш, иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида депутатлар корпусининг барча имкониятларидан фойдаланиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири эканлиги қайд этилди.

Семинарда сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари, мутасадди вазирлик ва идораларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

## ТАЛАБАЛАР ҚУРУВЧИЛАР КОРЖОМАСИДА

Бандлик

***Навоий кончилик институтининг "Бунёдкор" меҳнат отряди ҳудуддаги бир қатор қурилиш майдонларида ўз фаолиятини бошлаб юборди.***

— Талаба йигит-қизларимиздан 350 нафари, — дейди институт "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Назира Назарова, — меҳнат семестрида қатнашиш истагини билдирди. Улар тўртта гуруҳга бўлиниб, қурилиш майдонларига йўл олдилар. Бир гуруҳ талабалар ҳозир Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли "Дўстлик" агрофирмаси ишчиларига кўмаклашаётган бўлса, қолганлари Навбаҳор ва Кармана туманларидаги қишлоқ аҳолиси учун замонавий уй-жойлар қурилишида иштирок этишаётир. 50 нафар талаба эса "Нарпай" қишлоқ фуқаролар йиғинида бунёд этилаётган кўркам коттежларни тиклашда ғайрат кўрсатмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАРАҚҚИЁТ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

**Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янгилаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирлари амалда ўз самараларини бермоқда.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент вилоятининг Паркент туманида фаолият юритаётган "Berad-agro" хусусий корхонаси иқтисодиётнинг илғор ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда, халқаро бозорга дадил кириб бораётган ишлаб чиқариш корхоналаридан биридир.

— Мустақиллик йилларида, барча соҳалар қатори, ўз бизнесини йўлга қўйишни истаганлар учун ҳам жуда катта қулайликлар яратилди, — дейди хусусий корхона раҳбари Мирраҳим Адилов. — Давлатимиз раҳбари ушбу соҳа вакилларининг эркин фаолият юритиши учун нимаики зарур бўлса, барчасини яратиб беришга алоҳида эътибор қаратаётганликлари боис, ўзимизга ишончимиз ортиб, ишга астойдил, ғайрат билан киришдик.

Корхонамиз энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган, бу ерда 6 турдаги экологик тоза, халқаро талабларга жавоб берадиган майиз қайта ишланади. Бундан ташқари, шўъба корхоналаримизда қуритилган сабзавотларнинг барча тури ишлаб чиқарилади. Хом ашёни Паркент тумани ва Самарқанд вилоятидан келтирамиз. АҚШнинг "Commercial", Бельгиянинг "BEST" ва "VISYS" компанияларидан келтирилган замонавий ускуналар, жумладан, лазерли ва сараловчи рентген қурилмалари маҳсулотни самарали қайта ишлаш, сифатини табиийлигича сақлаб қолиш имконини бермоқда.

Истиқлол шарофати билан бугун ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни тўлиқ экспортга йўналтираяпмиз. МДҲ ҳудуди, Европа, Осиё ва ҳатто, Америка қитъасида ҳам ўз мижозларимизга эгамиз. Энг муҳими шуки, маҳаллий йигит-қизларни иш билан таъминлашга, озмикўпми, ҳисса қўшаяпмиз. Масалан, 1995 йилда корхонамизда бор-йўғи 4 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунда 91 киши иш билан таъминланган.

Мамлакатимизда ҳеч бир ташаббус беэътибор қолдирилмайди. Шу маънода айтганда, юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловида "Berad-agro" корхонаси фаолияти ҳам бир неча бор эътироф этилган. Жумладан, у 2000 йилда танловнинг республика босқичида учинчи ўринга лойиқ кўрилган бўлса, 2001 йилда Президентимиз соврини — "Нексия" автомобили билан тақдирланди. Бир йил ўтиб, "Энг кўп маҳсулот экспорт қилган корхона" номинацияси совриндори бўлди.

— Жорий йилнинг ўтган олти ойида қарийб 500 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди корхона иш юритувчиси Алишер Бобохонов. — Эндиги мақсадимиз маҳсулот турларини кўпайтириш, экспорт географиясини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишдан иборат.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Цунами хавфи йўқ

***Папуа-Янги Гвинея давлатининг Янги Британия оролида 7 балли ер силкиниши кузатилди.***



Бу ҳақда "AFP" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат маркази мамлакат пойтахти Порт-Морсби шаҳридан 565 км. шарқда қайд этилган.

Ҳозирча офатдан жабр кўрганлар ва моддий зарар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Мутахассисларнинг маълум қилишича, зилзила цунами хавфини келтириб чиқармайди.

### Қутқарув ишлари давом этмоқда

***Покистонда рўй берган йирик сув тошқинлари оқибатларини бартараф қилиш ишлари давом этмоқда.***

Бироқ зарар кўрган кўплаб ҳудудларга қутқарувчилар ва ҳарбийларнинг етиб бориши ҳамон қийин кечмоқда. Озиқ-овқат, дори-дармон воситалари етишмовчилиги мавжуд.

— Жабрланганларнинг кўпчилиги ифлосланган сув истеъмол қилганликлари туфайли ошқозон, ўпка ва тери касалликларини юқтириб олишган, — дейди маҳаллий шифокорлардан бири.

БМТ Бош котиби ўзининг махсус вакили Жан-Морис Риперни Покистонга жўнатган. У вазиятни ўрганиб, халқаро инсонпарварлик ёрдами миқёсини аниқлайди.

### Режасини ўзгартирди

***Япониянинг "Toyota" компанияси 2011 йилнинг мартига қадар ишлаб чиқариладиган автомобиллари сонини 7,29 млн. донадан 7,38 млн. донагача кўпайтиришга қарор қилди, деб хабар беради "The Detroit News" нашри.***



Бунга жорий йилнинг апрель-июнь ойларида автокорхона маҳсулотларига бўлган талабнинг сезиларли даражада ошгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Шу давр мобайнида ташкилот 2,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида фойда кўрган. Мазкур кўрсаткичларга эришишда АҚШ, Таиланд ва Индонезия каби давлатлар бозорларидаги савдо ҳажмида кузатилган ўсиш муҳим аҳамият касб этган.

### Жарима миқдори оширилди

***Италияда йўл ҳаракати қоидаларига навбатдаги ўзгартиш киритилди. Унга кўра, энди мамлакат ҳудудида автомобиль тезлигини соатига 130 км.дан 150 км.гача оширишга рухсат берилади.***

Илгари бундай суръатда ҳаракатланиш ҳуқуқи фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларига (шунда ҳам магистраль камида тўрт чизиқдан иборат бўлган тақдирдагина) тегишли эди.

Бундан ташқари, тезлик меъёрини бузганлик учун жарима миқдори оширилди, ҳайдовчилик гувоҳномасидан вақтинча маҳрум қилиш муддати ҳам узайтирилди. Айтайлик, рухсат берилган тезликдан соатига 60 километр тезроқ ҳаракатланган ҳайдовчи 779 евро (илгариги миқдордан 229 евро кўпроқ) тўлаш билан бирга, ярим йилдан бир йилгача автомобиль бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

### Моцарт фортепьяноси

***Таниқли композитор Амадей Моцартга тегишли бўлган фортепьяно ҳозирги кундаги эгаси Мартин Беккер томонидан сотувга қўйилди.***



Унинг бошланғич баҳоси 5 млн. еврога тенг. 1760 йилда ясалган мазкур мусиқа асбобини Мартин 1980 йилда харид қилганди.

Мусиқашунос олим Андреас Бойерман ҳам Моцарт бир пайтлари айнан шу фортепьянони чалганини тасдиқлади. Мутахассиснинг айтишича, таниқли уста Христиан Бауманн томонидан яратилган шунга ўхшаш яна бир нечта асбоб бор, аммо уларнинг орасида машҳур бастакор куй ижро этгани энг қимматбаҳоси экан.

### Болажонларнинг замонавий дўсти

***Яқинда Калифорния штатида ташкил этилган муҳандислик кўргазмасида робот-гуманоиднинг навбатдаги кўриниши намойиш қилинди.***



Болажонларнинг севимли дўстига айланиши кўзда тутилаётган ушбу қурилмага "Акробан" деб ном берилди. Мазкур робот бемалол ҳаракатлана олади. Бундан ташқари, у ҳис қилиш, турли ташқи таъсирларни сезиш, шароитга мослашиш имкониятларига ҳам эга.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Бош прокуратура томонидан республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши ўтказилди.***
***Унда фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳамда таниб олинмаган мурдалар топилганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал қилишда қонунийликни таъминлаш, қасддан одам ўлдириш жиноятлари юзасидан дастлабки тергов, тезкор-қидирув аҳволи, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги органларининг номусга тегиш, товламачилик, безорилик, фирибгарлик жиноятлари ҳамда гуруҳлар ва аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш, тезкор-қидирув аҳволи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.***

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳамда таниб олинмаган мурдалар топилганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал қилишда қонунийликни таъминлаш, ички ишлар органлари томонидан бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш ва таниб олинмаган мурдалар шахсини аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини малакали ташкил этиш, бу борада идоравий ва прокурор назоратини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қасддан одам ўлдириш ва суиқасд қилишга доир жиноятларга қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олиш борасида кўрилган чоралар туфайли бу тоифадаги жиноятларнинг сони бирмунча камайиб, уларни фош этиш аҳволи яхшиланганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, йиғилишда номусга тегиш, товламачилик, фирибгарлик, безорилик, аёллар ва гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш, бу йўналишдаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда муайян ишлар қилинганлиги қайд этилди.

Шунга қарамасдан, мазкур йўналишда ички ишлар органларининг фаолиятида айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишда ҳуқуқ тарғиботи тадбирларидан самарали фойдаланилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, тегишли органлар фаолиятида ушбу жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув имкониятларидан самарали фойдаланиш, тергов ҳаракатларининг ҳар томонлама, тўлиқ олиб борилишини таъминлаш, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашуви жараёнини янада такомиллаштириш лозимлиги уқтирилди, соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш хусусида кўрсатмалар берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан прокуратура ва ички ишлар органларининг мазкур соҳалар учун масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, улар ижросини таъминлаш учун тегишли органларга юборилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати.**

Анжуман

## ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛГА МАРҲАМАТ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши туфайли мавзуга оид янги номинацияларнинг жорий этилгани бу йилги фестиваль танлов дастурининг аввалгилардан муҳим фарқли жиҳати ҳисобланади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси интернет-фестивалда иштирок этиш ва ўзининг мавзуга оид иккита номинациясини киритишга қарор қилди. Зеро, хотин-қизлар ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан танлов дастурига "Ўзбекистон хотин-қизлари томонидан яратилган энг яхши веб-саҳифа ёки веб-блог" ва "Хотин-қизлар ва болаларнинг репродуктив саломатлиги ҳамда соғлом турмуш тарзига бағишланган энг яхши сайт" номинациялари киритилди. Мазкур номинациялар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси экспертлари томонидан баҳоланади. Ғолиблар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг диплом ва совринлари билан тақдирланади. Шу тариқа фестиваль ахборот-коммуникация технологиялари бўйича кўникма ва билимларга эга бўлган хотин-қизларни кўпайтириш, хотин-қизлар учун қизиқарли ҳамда фойдали веб-сайтлар ва электрон ресурсларни яратиш бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан ижодий фойдаланиш кўникмаларига эга истеъдодли ва истиқболли хотин-қизларни аниқлашга ёрдам беради.

Бу йилги фестиваль ташкилотчилари ҳисобланган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан эса "Ёшлар учун энг яхши сайт" номинацияси таъсис этилди. Ушбу номинация Баркамол авлод йилига бағишланган бўлиб, унда ёшлар учун мўлжалланган сайтлар (мактаблар, коллежлар, лицейлар, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари ва бирлашмалари сайтлари) иштирок этади. Баркамол авлод йилига бағишлаб Интернет тармоғида эълон қилинган энг яхши материаллар муаллифларига мукофотлар ҳам мазкур номинацияда топширилади.

**В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Қўмита аъзоси У. Х. Зокировга отаси **ХУРРАМ** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.





Гулистон ва Жиззах шаҳарларида яшовчилар диққатига!

**«TVS GRAND SERVIS» МЧЖ — «RWC» МЧЖ ҚК («Perfectum Mobile» савдо белгиси) расмий вакили Гулистон ва Жиззах шаҳарлари филиалларида**

**тижорат директори вакант лавозимига танлов эълон қилади.**

**Танлов шартлари қуйидагича:**

1. Иқтисодий, техник олий маълумотга эга бўлиш.
2. Раҳбарлик лавозимларида камида икки йил самарали фаолият юритганлик.
3. Ходимларни бошқариш қобилияти ва маҳоратига эга бўлиш.
4. Ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш.
5. Ёши 25 ёшдан кичик бўлмаслик.

Шартлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тўлдирилган резюмени фотосурат билан ушбу электрон манзилга юборинг:
**regional@perfectummobile.com**

**Резюме топшириш муддати — 2010 йил 31 августгача.**

Тел.: (+99898) **260-07-02** — Гулистон шаҳри офиси.
Тел.: (+99898) **261-07-02** — Жиззах шаҳри офиси.







Омонатдаги маблағингиз ўн карра ортишини хоҳлайсизми?

**ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ**

***«Жамғарма» ютуқли, жамғарилувчи омонатини таклиф этади.***

**Маблағлар 7 ой муддатга йиллик 10% миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромадлари тўланиши билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, 110 та пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин. Ютуқлар омонат қолдиғининг 10%, 20%, 30%, 50%, 100%, 200%, 500% ҳамда 1000% миқдорида белгиланади.**

**Ютуқлар тиражи жорий йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади.**

***ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!***

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (8-371) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.

Тел.: 232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
Буюртмалар шу йилнинг 20 августигача қабул қилинади.

# Кўнгил хиёбони

*...Ўшанда 1943 йилнинг баҳори эди. Олот туманидаги Холбек қишлоғига Шимолий Осетиянинг Ираф туманидан иккита оила кўчиб келди. Уларнинг бири — Картин исмли қизни шу қишлоқда яшовчи Абди ака хонадони ўз бағрига олди. Оила соҳиби уни ўз қизи ўрнида кўрди. Етимнинг бошини силади. Яхшилик ҳеч қачон ерда қолмас экан. Абди ака тирноққа зор ўтаётган эди. Буни қарангки, фарзандли бўлди...*

## ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ УЗУН

Эзгулик

Абди ака аллақачон дунёдан ўтган. Аммо ҳозир 75 ёшни қаршилаган Картин момо бу инсон қилган яхшиликни асло унутган эмас.

— Ўзбек қизлари билан далада бирга ишлаб, вояга етдим, — дея эслайди у. — Шу ерлик Иноят Тошевга турмушга чиқиб, икки ўғил, икки қизни оқ ювиб, оқ тараб камолга етказдик. Барчаси ўқимишли, ҳозир эл хизматида. Ўн беш нафар неварам бор. Уларга боқиб, раҳматли отам ёқиб кетган яхшилик чироғи ҳеч қачон ўчмаслигини дилдилдан ҳис қиламан.

Дарҳақиқат, яхшиликнинг умри узун. Картин момо мана, 67 йилдирки, ўзига яхшилик қилган бу хонадонни унутмайди, ўтганлар ҳақига дуо қилади.

— Уруш ва ундан кейинги йиллардаги ҳаёт билан бугунги кунимизни хаёлан солиштирарканман, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини ҳис этаман, — дейди Картин момо. — Айниқса, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, ҳаётимиз файзига файз қўшилди. Кўркам мактаб ва коллежларда ўқиётган қишлоғимиз ўғил-қизларига "Бу кунларнинг қадрига етинг, болаларим", дейишни канда қилмайман. Меҳрибонлик уйларида яратилган шарт-шароитларни телевизор орқали кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилади. Юртбошимизга раҳмат, дейман.

Момо яшаётган ҳовлида бир туп тут дарахти бор. Унинг пешонага тушган минг бир ажиндек танасига кўз югуртириб, ўзимизча ёшини чамаладик. "Бу тут биз шу юртга кўчиб келган 1943 йилда ҳам бор эди. Тут пишиғида остидан одам аримасди. Қишлоғимиз кексаларининг айтишларича, ёши 150 дан кам эмас", дейди момо.

Ҳовлидаги бу дарахт заминга шу қадар чуқур илдиз отганки, ҳар баҳорда барг ёзиб, болдек тотли тутини элга тутаяпти. Картин момонинг тақдири қай бир маънода шу дарахтни эслатади. Олис осетиялик бир қиз тақдир тақозоси билан ўзбек заминида илдиз отди — оила қурди, қўша қариб, пири бадавлат бўлди. Эндиликда фарзандлари, неваралари ардоғида. Бу дарахтнинг ҳам ҳовлидаги тут каби илдизлари мустаҳкам. Унинг мевасидан ҳали эл-юрт узоқ йиллар баҳраманд бўлади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Эрта тонг.**
**Қуёш аста бош кўтариб, чор-атрофни ёрита бошлайди. Ҳовлига чиқаман.**
**— Ассалому алайкум, дада! — дейди эҳтиром билан ҳовли супураётган келиним.**
**— Яхши дам олдингизми?**
**— Ваалайкум ассалом, қизим. Раҳмат, умрингиздан барака топинг!**



## Оҳори тўкилмайдиган калом

— Хўп, буважон! Салом одоб-ахлоқ белгиси экан. Мен сизга, сиз менга салом бериб, ҳар куни бир-биримизга Яратгандан саломатлик, тинчлик ва осойишталик тилаймиз.

— Баракалла, болам...

Камина остона ҳатлаб, кўчага чиқишим билан қўшнига рўбарў келаман.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом.

Ҳар куни неча бор учрашмайлик, бу табаррук калом тилимиздан тушмайди. Ҳа, салом-аликда ҳикмат кўп. Зеро, муборак Ҳадиси шарифларда ҳам саломлашиш одоби ҳақида алоҳида тўхталиб, ўз иззати, қадр-қимматини билган, ўзгаларга эҳтиром кўрсатувчи олижаноб киши биринчи бўлиб, тавозе билан салом бериши лозимлиги айтилади.

Телефон жиринглайди. Гўшакни кўтараман:

— Алло, ким бу? Фалончининг уйими, мен ким билан гаплашаяпман?

Иззатталаблик эмас-у, бу тахлит муомаладан бир оз оғрингандек бўламан. Шунинг ўрнига "Ассалому алайкум!" деган каломни эшитсанг, сим қоқаётган кишининг кимлигини билмасанг ҳам, кўнглингда унга нисбатан илиқлик пайдо бўлади. Ҳар қандай саволга эринмай, ҳафсала билан, батафсил жавоб қайтарасан. Ахир телефонда сўзлашувнинг ҳам ўзига яраша одоби, қонун-қоидаси бор. Афсуски, айримлар маданиятли кишига хос муомала билан мақсадни баён этиш ўрнига икки оғиз салом-алик учун вақтни аяйдилар. Табиийки, бундай феъл-атвор ўз-ўзидан ёшларга ҳам юқади. Ҳалимлик, хушмуомалалик ўрнига қўполдан-қўпол сўзлашишни ибрат қилиб тарбия кўрган фарзандларнинг гўзал хулқ-атворли бўлишидан умид қилиш мумкинми? Қолаверса, бугун ёшларимиз орасида "Сом алайкум", "Солекум" дея узуқ-юлуқ саломлашишлар урф бўлаётгани бежиз эмас. Агар улар "сом" сўзи жуда хунук маънони англатишини билганларида эди, бу тарзда бепарволикка йўл қўймаган бўлардилар. Шу билан бирга, саломга алик олишда "Валейкум" деб қўйиш ёки шунчаки бош силкитиб ўтиш ҳам одобдан эмаслиги, бу ҳол-аҳвол сўрагувчига нисбатан ҳурматсизлик, менсимай муносабатда бўлишдан дарак беришини унутмаслик даркор.

Бизда яна бир одат бор. Яъни таомилга кўра, ёши улуғлар ёшларнинг биринчи бўлиб салом беришини кутадилар. Аммо саломлашишда катта-кичик, ёшу қари дейиш у қадар ҳам тўғри эмас. Айниқса, бугун ёшларимизни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ўғил-қизлар қалбида миллий қадриятларга эҳтиром ҳиссини кучайтириш асосий мақсад экан, иззатталабликни бир четга суриб қўйиб, биз, катталар уларга ўрнак бўлишимиз лозим. Сўзда эмас, амалда, деганларидек, яхшиликдан, эзгу хислат ва фазилатлардан сабоқ бериш асносида, энг аввало, ўзимиз одоб-ахлоқ тамойилларига хос иш тутсак, мақсадга мувофиқдир.

Саломлашиш одоби хусусида сўз юритганда, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" асаридаги мана бу ҳолни мисол келтиргим келаверади: "Кумуш уялиб, зўрғагина салом берди ва Юсуфбек

Мушоҳада

ҳожининг яқинига келиб, бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб, суйди ва Кумушнинг манглайига текизиб олган қўлини ўпди..."

Дарҳақиқат, шарқона одобга кўра, келин билан қайнотанинг бир-бири билан кўришиши айнан шундай бўлмоғи даркор.

Мухтасар қилиб айтганда, салом-алик ҳеч қачон оҳори тўкилмайдиган каломдир. Ўзга кишига яхшилик соғинмоқдек муқаддас тилакни ҳамиша дилимизга муҳрлаб, дуч келган кишига биринчилардан бўлиб "Ассалому алайкум, биродари азиз" демоқлик бизнинг пок ниятли инсон, етук маънавиятли шахс эканимиздан далолат беради.

**Абдулаҳад ЎРМОНОВ,**
**меҳнат фахрийси.**
Асака тумани

Нонуштага ўтирамиз.

— Ассалому алайкум, буважон!

Неварамга қучоқ очиб, уни бағримга босаман:

— Ваалайкум ассалом, той бола! Мактабга отландингизми? Қани мактабга боришдан аввал менга саломнинг маъносини изоҳлаб беринг-чи?

## Қатралар

### Тилак

— Келиннинг қадами қутлуғ келсин, — тилак билдирди Ҳакимжоннинг жўраси.

— Ўзларидан кўпайишсин, — деди иккинчиси.

Навбат Ҳакимжоннинг болаликдан бирга катта бўлган, қўшкелинлар кўрган дўсти Ҳошимжонга келди.

— Келиннинг бир қўлидан ёстиғу иккинчи қўлидан чойнак-пиёла тушмасин. Чарчасангиз ёнбошланг, чанқасангиз, чой ичинг дада, буви деб бир умр орқаларингдан эргашиб юрсин.

— Илоё, айтганинг келсин, — пичирлади қайнота, қайнона...

### Ота улуғ

— Қорнимиз очиб кетди, овқатдан олаверайликми?

— Озгина сабр қилиб турінглар, ҳозир дадаларинг келиб, бошлаб беради.

Ташқарида бу гапларни эшитиб турган Ҳаким ака деди:

— Шундай ақлли-ҳушли, оқила аёлни менга раво кўрганинг учун ўзингга шукр...

### Ҳайит куни

Ўғил-қизлар маслаҳатлашиб, ҳайит куни оталарига чуст дўппи, волидаларига ёшига мос тушадиган кўйлак совға қилишди. Чол-кампир ҳоли қолишгач, фарзандларини кўзларига ёш олиб алқашди:

— Шукр, болаларимиз ўзларини тутиб олишди, — деди уй тўрисида барқут ёстиққа ёнбошлаган Ота.

— Бизни бошларига кўтарганини айтинг, — деди оппоқ рўмолни бошига ташлаб, фариштлардек ўтирган Она.

— Қани, омин, — дуога қўл очишди иккиси, — уларгаям болаларидан қайтсин...

**Одилжон**
**ШОДМОНАЛИЕВ.**



*— Дугонажон, жуда келишган экан-а...*

**Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.**

*Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшироқдир.*

**Ҳадис.**

## Дил торининг садоси

Туйғу

Дунёда шивирлаб айтиладиган туйғулар кўп. Авваламбор, муҳаббат туйғуси. У шоҳтомирларда гупуриб, кўнгилда жило топади. Бировга айтай десанг, тилнинг учидан райҳон ҳидли шивирдай бўй таратади.

Бошқа бири, ўз ҳаётидан, бугунидан қувонч ҳисси. Бу ҳис тафаккурни оловлантириб, кўкракка тушади. Бу ҳисни ҳарчандки бировга ифода қилишга уринсанг — беҳос шивирлаб қўясан.

Чунки туйғу ҳам, ҳис ҳам баралла ёки хитоб оҳангида айтилмайди. У шунчаки оддийгина сўзланмайди. Албатта, оҳиста, энг ҳароратли, паст товуш билан англатилинади.

Бугун қанчадан-қанча қизларимиз мактабларни битириб, лицей-коллежларда таҳсилни давом эттиришга чоғланиб турибдилар.

Эрта-индин улар дунёга ҳаяжон билан назар ташлайдилар. Орзу-умидлари йўлида дарёдай тошадилар...

Кўнгилларида кечган пок ва гўзал ҳис-туйғулардан қалблари кулиб-яшнайди. Шунда кўзлари порлаб, чеҳралари очилиб, бахту иқболлари ҳақида севиниб, суюниб шивирлайдилар.

Бу шивир юракларга етади, юраклардан ўтади.

**А. АБДУВАЛИЕВ.**

## АЙРОН – жазирамада дармон

**Ёзнинг айни жазирама кунларида кўпчилик севиб истеъмол қиладиган айрон ичимлиги ташналикни қондириш билан бирга, киши асабини тинчлантириб, маълум даражада қувват ҳам бахш этади.**

Саломатлик

*Бу ичимликни тайёрлаш учун қатиқ ёки сузмага қайнатиб совитилган сув қўшилиб, ёғоч қошиқ билан яхшилаб аралаштирилади. Шу тариқа суюлтирилган сузма айронга айланади. Сув етарлича совуқ бўлмаса, бир бўлак муз ҳам қўшиш мумкин. Айронга майдаланган шивит кўкатидан бир чимдим қўшилса, у янада тотли бўлади.*

*Айрон таркибида бир фоиз ёғ, 13 фоиз оқсил, салкам 5 фоиз миқдорида қанд, шунингдек, инсон организми учун зарур бўлган дармондорилар, аминокислоталар, ферментлар ва бошқа моддалар мажмуаси бор. Шу боис айрон фақатгина чанқовни бостириб қолмасдан, терлаш жараёнида чиқиб кетадиган биологик фаол моддалар ўрнини ҳам тўлдириб туради.*

*Сопол кўзаларда сақланган айрон ўз хусусиятини узоқ вақт йўқотмайди.*

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифали доришунос.**

### Ҳикмат гулшани

*Кимда бўлса донишу ақлу тамиз,*
*Илм ила ҳилм аҳлини тутгил азиз.*

**Фаридиддин АТТОР.**

* * *

*Ҳунарингдан бир кун*
*етарсан бахтга,*
*Ҳунарсиз ким етар*
*тож ила тахтга.*

**Низомий ГАНЖАВИЙ.**

*Оқил аҳли*
*ҳисга гирифтор*
*ўлмас,*
*Ҳасад қилган*
*билан тилло*
*хор бўлмас,*
*Номард — ит*
*кабидир, мард*
*буюк дарё,*
*Дарё ит*
*дамидан ҳеч*
*мурдор бўлмас.*

**Паҳлавон МАҲМУД.**



## ЙЎЛИНИ ТОПГАН БОЛА



**Муаллима Элмира Зуфаровнанинг ўқувчилари Хотира хиёбонини зиёрат қилиб қайтишарди. У, одатдагидек, ўқувчиларини кўздан кечираркан, бирданига вужуди жимирлаб кетди. Битта бола кам. Аввалига ишонмади. Сўнг ўқувчиларини яна қайта кўздан кечирди.**

**"Нусрат йўқ!" Элмира Зуфаровнанинг хаёли қочди. Кўз олди тиниб, боши айлангандай бўлди. Ёнидаги ҳамкасблари унга далда бериб, Нусратнинг тезда топилишини айтишди. Ўқувчилар Нусратнинг "Нега Амир Темур музейига бормадик?" деб хархаша қилганлигини эслатдилар.**

**Демак, у музейда. Ўқитувчилар шу хулосага келишди.**

Ҳикоя

— Шаҳлохон, — деди Элмира Зуфаровна, — Сиз болаларга қараб турсангиз, мен Нусратни излаб келсам.

Муаллима шоша-пиша машиналардан бирини тўхтатди-да, музейга йўл олди.

Музей ходими бир болакай келганини, осориатиқаларни ҳаяжон билан томоша қилганини, лекин тезда шошиб чиқиб кетганлигини билдирди.

Муаллиманинг хавотири баттар ортди. Лекин кўнглида аллақандай хотиржамлик ҳам пайдо бўлди. У Нусратнинг "Амир Темур қони менинг ҳам томиримда оқадими?" дея савол берганини ёдга олди. Шунда у "Ҳаммамизнинг томиримизда Соҳибқирон бобомизнинг қони бор", деб жавоб қайтарганди. Ўшанда Нусрат бу гапга жавобан, "Унда мен ҳаммадан мард, жасур бўлишим керак?" деган эди кўзлари чақнаб.

Муаллима Амир Темур ҳайкали ёнига қандай бориб қолганини билмади. Тўсатдан ўриндиқда ҳассага суяниб ўтирган нуроний "Ҳой қизим, менга қаранг", деб қолди. Элмира Зуфаровна ўгирилди.

— Ўқувчингизни қидирмаяпсизми?

— Ҳа...

— Роса гап берди менга. Амир Темур ҳақида кўп ривоятлар биларкан. Кўнгли тоза, пок бола. Ҳозиргина кетди, йўл сўради. Тушунтирдим.

Элмира Зуфаровна енгил тортгандай бўлди. Лекин кўнгли тинчимади. Нусратларнинг уйидан хабар олишга аҳд қилди. Унинг уйига етиб келгани заҳоти ўқувчисининг онасини кўчада кўриб, юраги ҳаприқди: "келмаган-ов".

— Ассалому алайкум, Элмира опа, — деди Нусратнинг онаси хижолатомуз. — Мактабга кетаётувдим сизни қидириб. Шу десангиз, Нусратжон боя келиб, Амир Темур ҳайкали ёнига борганини айтди-ю, сал туриб "Ўқитувчимизни хафа қилдим, ойи, нотўғри иш бўлди", деб роса ўзини койиди. Уришдим. Сиздан узр сўрамоқчийдим.

Элмира Зуфаровнанинг лабига табассум югурди.

— Хайрият. Уйини топиб кепти. Роса хавотирландим.

Шу пайт кутилмаганда Нусрат югуриб келиб, муаллимани қучоқлаб олди.

— Мени кечиринг, устоз. Сизга айтмасдан Амир Темур бобомни кўргани бордим. Жуда кўргим келувди...

Муаллима индамади. Фақат бир оздан сўнг Нусратдан сўради:

— Қайтишда адашмадингми?

— Йўқ, мен энди ҳеч қачон адашмайман. Ойим бор, дадам бор, Сиз, мактабим, дўстларим, Ўзбекистоним...

Нусрат шундай деб осмонга қаради. Қуёш уфққа бош қўяётган эди. Элмира Зуфаровна ҳам беихтиёр кўкка тикилди. Назарида, қуёш жилмайгандай туюлди. Нусратга қаради, у эса, гўё қуёш билан сўзлашгандай, қўлини силкитиб қўйди.

**Луқмон БЎРИЕВ.**

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 10 август, сешанба куни чиқади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41762 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.35 1 2 4 5